Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 29 (6. 518) 1988 йил 5 февраль, жума Баҳоси 3 тийин

XIX

Янгиланиш йўлидан

## Истиқбол уфқлари

◆ Янги хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган корхоналар давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонунда белгилаб берилган ҳуқуқларидан кенг фойдаланмоқдалар. Меҳнат коллективининг ўз-ўзини бошқаруви интизомни мустаҳкамлаш, иш унумини ошириш, барча етилган масалаларни биргаликда ҳал этиш имконини бермоқда.

— Корхонамизда янги хўжалик ҳисоби жорий этилганига мана, бир ойдан сал ошди, — дейди «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари А. Рўзиматов. — Меҳнат коллективи кенгаши кўпгина масалаларни ҳал этишни ўз зиммасига олди. Планлар ва шартнома мажбуриятлари қандай бажарилаётгани, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида маъмурият ахборотларини эшитиб, коллективнинг янада самарали ишлашига ёрдам берадиган тадбирлар ишлаб чиқяпти. Бундан ташқари, янгича шароитда катта-ю кичик хўжалик ҳисобининг нимадан иборат эканлигини чуқур билиб олишлари учун ҳамма жойда ўқув ташкил этилганини ҳам айтиб ўтмоқчиман.

◆ Шуниси характерлики, бирлашмада биринчи марта ечимларнинг техникавий савияси қайта кўриб чиқилди. Нега шундай қилинди? Бутун моҳият шундаки, аввалги, эски ечимлар билан узоққа бориб бўлмас эди.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IX ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

# ҚАЙТА ҚУРИШГА РАҲБАРЛИК ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИНИНГ ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг қайта қуришга раҳбарлик юзасидан ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб, пленум шуни қайд этадики, Марказий Комитет Бюроси КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг, партия XXVII съездининг ва Марказий Комитет кейинги Пленумларининг йўл-йўриқларига мувофиқ республика учун масъулиятли даврда Ўзбекистон Компартияси барча бўғинларининг куч-ғайратларини иқтисодий ва социал тараққиётнинг етук проблемаларини ҳал этишга, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга қаратди. Салбий ҳодисаларнинг оқибатларини тугатиш, кадрлар корпусини тозалаш, ички партиявий турмушнинг ленинча нормалари ва принципларини қайта тиклаш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг иш услуби ҳамда методларига кўпроқ эътибор берила бошлади. Топширилган соҳалардаги ишларнинг аҳволи учун кадрларга нисбатан талабчанлик оширилмоқда. Ижтимоий-сиёсий турмушни демократиялаш жараёни чуқурлашмоқда. Республика экономикасида баъзи ижобий силжишлар рўй берди, социал программани активроқ амалга оширишга ёндашувлар пайдо бўла бошлади.

Шу билан бирга пленум ҳисоблайдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси экономикани ва социал соҳани ривожлантиришда турғунлик тенденцияларидан унчалик қатъият билан халос бўлаётгани йўқ, қайта қуришга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишда туб бурилишни таъминлагани йўқ. Марказий Комитет Бюроси, Секретариати маънавий муҳитни соғломлаштиришда, салбий ҳодисаларга қарши курашда охиригача изчиллик, қатъият ва муросасизлик кўрсатганлари йўқ, ўз обрўсини тўккан раҳбарларга нисбатан кўнгилчанлик ва юзхотирчилик республиканинг бошқа партия ташкилотларига ҳам ўтди. Ўртада турган вазифаларни ҳал этишга партиявий, сиёсий таъсирнинг ҳамма форма ва воситалари ишга солинмаган. Хўжалик, маданий қурилишнинг, маънавий соҳанинг кўпгина участкаларида янгиланиш сари бурилиш ҳаддан ташқари сусткашлик билан амалга оширилмоқда.

### I.

Марказий Комитет Бюроси, Секретариати қайта қуришнинг бош сиёсий вазифаларидан бири — жамиятни янада демократиялаш вазифасини ҳал эта туриб, бу жараёнлар ҳар бир партия ташкилоти ва меҳнат коллективининг турмушида муқаррар, белгиловчи жараёнлар бўлиб қолишига ҳали ҳам эришгани йўқ. Бюро кенгайиб бораётган демократия ва ошкоралик шароитида раҳбарликнинг сиёсий усулларини эгаллашда область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига етарли ёрдам бермаяпти.

Марказий Комитет Бюроси ички партиявий демократияни ривожлантиришда муносиб намуна кўрсатмаяпти, қайта қуриш вазифаларини ҳал этишда сайлаб қўйилган активларга тузук таянмаяпти. Марказий Комитетнинг кўпгина аъзолари конкрет топшириқларни бажаришга жалб этилмаяпти, улар қарорларни ишлаб чиқишда, таклифлар тайёрлашда қатнашмаяптилар.

Кадрларнинг сайлаб қўйилиши ва ошкора кўтарилиши меҳнат коллективларига раҳбарликни мустаҳкамлашнинг ҳали ҳам таъсирчан воситаси бўлиб қолган эмас, танқид кўп жиҳатдан танлаб қилинадиган, хушомадгўйлик тусини олмоқда, ўз фикрини ошкора айтишга, юқори раҳбарларнинг камчиликларини рўй-рост кўрсатишга журъат этган кишиларни қувғин қилиш барҳам топган эмас.

Марказий Комитет Бюроси сиёсий система ва ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг барча бўғинлари актив ишлашига эриша олгани йўқ. Халқ депутатлари Советлари ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлар ва ваколатлардан ҳали ҳам суст фойдаланмоқдалар. Касаба союз комитетлари меҳнат коллективларининг кенгашларини тузиш, интизомни мустаҳкамлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, амалий социалистик мусобақани ташкил этиш масалаларини унчалик сабот ва изчиллик билан ҳал этмаяптилар. Республика Халқ контроли комитети ўғирлик, қўшиб ёзиш иллатларини ва хўжасизликнинг бошқа кўринишларини тугатишда етарли даражада қатъият кўрсатмаяпти, экономикада ва социал соҳада етилган йирик проблемаларни танқидий анализ қилишдан ўзини четга олмоқда. Қайта қуриш вазифаларини амалга оширишга комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари етарли жалб этилмаяпти.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси, Секретариати зиммасига ички партия ва жамоат турмушини кенг демократиялашга асосланган иш услубини активроқ ўзлаштириш, ҳамма жойда ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, ташаббускорлик ва ижодий изланиш вазиятини қарор топтириш ҳамда мустаҳкамлаш вазифасини юклайди.

Ишдаги коллективчилик принципи тўлиқроқ амалга оширилсин, республика партия ташкилоти олдида турган амалий вазифаларни ҳал этишда сайлаб қўйилган органлар аъзоларининг роли оширилсин. Марказий Комитет Бюросининг аъзолари ва Марказий Комитет секретарларининг улар билан мунтазам учрашувлари одат тусига киритилсин, уларнинг комитет номидан конкрет топшириқларни бажаришлари, ишларнинг аҳволини ўрганишдаги, пленумларда, Бюро ва Секретариат мажлисларида муҳокама қилинадиган таклифларни тайёрлашдаги, қабул этиладиган қарорларнинг бажарилишини уюштиришдаги бевосита иштироки таъминлансин.

Оммани жамият ишларини бевосита бошқаришга жалб этишга ҳар томонлама кўмаклашилсин. Улар турмуши ва фаолиятининг, республика иқтисодий ва социал тараққиётининг энг муҳим, принципиал масалалари меҳнат коллективларида кенг, ошкора муҳокама қилиниши нормага айлантирилсин. Раҳбарларни сайлаб қўйиш, кадрларни кўтаришдаги ва резервни вужудга келтиришдаги ошкоралик ҳамма жойда жорий қилинсин.

Пленум ҳисоблайдики, Марказий Комитет Бюроси советлар, касаба союзлари, комсомол, халқ контроли органлари, бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарликни яхшилаши уларнинг қайта қуриш ташкилотчилари сифатидаги ролини ошириши, улар экономика ва социал соҳани бошқариш масалаларида ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқ ва ваколатларни тўла-тўкис амалга оширишларига, омманинг ташаббуси, сиёсий активлигининг янги форма ва усулларини сабот билан қидирадиган бўлишларига интилиши зарур.

### II.

Пленум қайта қуриш иши учун туб иқтисодий ислоҳотнинг принципиал муҳимлигини таъкидлаб, Марказий Комитет Бюроси, республика ҳукумати партия, совет, хўжалик органларини хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтишга ҳар томонлама ва чуқур тайёргарлик кўришга ўз вақтида ундамаганликларини, уларга нисбатан дуруст талабчанлик қилмаганликларини, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар экономикасини соғломлаштириш учун зарур чора-тадбирлар кўрмаганликларини таъкидлайди.

Саноатга раҳбарликни тубдан яхшилаш таъминланмади. Хўжалик раҳбарларининг фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва қайта қуроллантириш масалаларидаги консерватизмига ҳамиша ҳам принципиал баҳо берилмаяпти. Улардан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш Комплекс программасининг амалга оширилиши учун муносиб жавоб талаб қилинмаяпти. Саноат ишлаб чиқаришини ўстиришнинг ўртача йиллик суръатлари пасайди, фондларнинг самарадорлиги камайишининг олди олинмади, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиш даражаси мамлакатдаги энг паст даражалардан бири бўлиб турибди.

Марказий Комитет Бюроси капитал қурилишда вужудга келган сусткашлик механизмини бартараф этишга эришмади. Планнинг энг муҳим кўрсаткичи — асосий фондларни ишга тушириш топшириғи бажарилмади, чала қолган қурилиш салмоғи ошмоқда. Қурилиш тармоғи коллективларида меҳнат унумдорлиги ва иш сифати ўсмаяпти, меҳнатни ташкил этишнинг янги самарали формалари ва хўжалик ҳисоби суст жорий қилинмоқда. Бинокорлик материалларининг узлуксиз етишмаслиги қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларини ошириш йўлидаги энг катта тўсиқ бўлиб қолди. Тармоқда кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш системаси йўқ.

Транспорт ташкилотларининг самарали ишлаши таъминланмади. Юкларни ташишга қилинадиган транспорт харажатлари, аввало, ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама қисқартирилиши лозим бўлган чиқимлари эканлигидан иборат тушунча қарор топган эмас.

Марказий Комитет Бюроси партия, совет, хўжалик органларининг бутун куч-ғайратларини агросаноат комплексидаги, аввало пахтачилик ва шоликорликдаги ишларнинг аҳволини тубдан яхшилашни таъминлашга қаратиш учун тегишли чора-тадбирларни кўрмади. Республиканинг ер-сув ресурсларидан, табиий-иқтисодий имкониятларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Суғориладиган ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги ҳаддан ташқари паст, чорвачиликни ривожлантиришнинг экстенсив характери сақланиб қолмоқда. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формалари, айниқса, сут-товар фермаларида йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секинлик билан жорий этилмоқда, қўйчилик орқада қолаётганлиги қаттиқ ташвиш туғдирмоқда. Механизациялашга қарши кайфиятларга муносиб баҳо берилмаяпти. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш, асраш ва қайта ишлаш базасини жадал ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш муаммолари муносиб тарзда ҳал этилмаяпти.

Марказий Комитет Бюроси социал вазифаларни ҳал қилишдаги қолоқликни бартараф этишга муваффақ бўлмаганини пленум алоҳида ташвиш билан қайд этади. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммоларининг ўткирлиги пасаймаяпти. Демография вазияти мураккаб бўлишига қарамай, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш суръатлари пастлигича турибди, соғлиқни сақлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Аҳолига савдо, маиший, коммунал ва транспорт хизматини ташкил этишда, алоқа хизматини кўрсатишда катта камчиликлар бор. Халқ депутатлари Советларининг социал муаммолари сари қатъий бурилиш ясаш учун зарур бўлган ҳамма чора ва тадбирлар кўрилмаяпти.

Пленум Марказий Комитет Бюроси, республика ҳукумати зиммасига туб иқтисодий ислоҳот актив ўтказилишини таъминлаш, партия комитетларидан, хўжалик органлари ва уларнинг раҳбарларидан бошқарув ва хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтилиши, социал инфраструктура, одамларнинг психологияси қайта қурилиши муносабати билан меҳнат коллективларида рўй бераётган жараёнларни кун сайин чуқур таҳлил этишни талаб қилиш вазифасини юклайди. Иқтисодий ислоҳот принципларининг бутун комплексини меҳнат коллективларининг фаолиятига амалий равишда жорий этишга ҳар томонлама кўмаклашилсин.

Кўпчилик раҳбар кадрларнинг хўжалик юритиш иқтисодий усулларини амалда қўллана олмаслиги қайта қуришга халақит берувчи жиддий омил эканлиги эътиборга олиниб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига, министрликлар ва идораларга Марказий Комитет тармоқ бўлимларининг актив иштироки билан барча кадрлар ва оммавий касб мутахассисларининг ўқувини қайта ташкил этиш, уни ҳар бир тармоқдаги, ҳар бир корхонадаги ишлаб чиқаришнинг конкрет вазифаларига ва хусусиятларига имкони борича яқинлаштириш топширилсин.

Пленум Марказий Комитет Бюроси, область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, министрликлар ва идоралар, область ижроия комитетлари коллектив, якка ва оилавий пудрат шароитидаги энг яхши иш тажрибасини умумлаштириб, 1988 йилдан бошлаб уни ҳамма жойда ёйиш ва жорий қилишни ташкил этишлари зарур, деб ҳисоблайди.

Бошқарув структурасини такомиллаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни яхшилаш, барча тармоқларни чуқур реконструкция қилиш асосида фан-техника тараққиётининг замонавий ютуқларини, структура ва инвестиция сиёсатидаги ўзгаришларни эътиборга олиб, республиканинг ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини, сарфланган маблағнинг ҳар сўми ҳисобига имкони борича кўпроқ наф олишни оширишга эришилсин.

Саноат ишлаб чиқаришини жадал комплекс қайта қуроллантириш таъминлансин, бу ишлаб чиқариш жаҳондаги ва мамлакатимиздаги замонавий даражага мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилсин, бу иш асосан иқтисодий ўсишнинг бош омилига айлантирилсин. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажмларини йилига ўрта ҳисобда 6,1 процент, меҳнат унумдорлигини камида 4,4 процент оширишга эришилсин. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун амал қилиб турган бир пайтда шартномавий интизомни мустаҳкамлаш, барча турдаги ресурсларни тежаш учун очилаётган имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланилсин.

Капитал қурилишдаги инвестиция циклини анчагина қисқартиришга эришилсин. Ишлаб чиқариш базаси изчиллик билан модернизация қилинсин, қурилиш маҳсулотлари ва конструкциялари, маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришда илғор технологияларни қўллаиш кенгайтирилсин. Қурилиш, айниқса, уй-жой қурилиши сифати ҳар томонлама оширилсин. Тармоқнинг барча бўлинмаларини коллектив пудратга ўтказиш, қурилиш комплексини бошқариш структурасини такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилсин. Қурилишдаги меҳнат унумдорлиги йилига камида 5 процент оширилиши таъминлансин.

Республика агросаноат комплексининг муттасил, жўшқин ривожланиши йўлга қўйилсин. Шу беш йилликда деҳқончилик ва чорвачиликнинг илмий асосланган системаларига, сув тежаладиган интенсив технологияларга, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг замонавий усулларига ўтиш асосан тугаллансин.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш иши кучайтирилсин, уларни реконструкциялаш 1991 йилгача асосан ниҳоясига етказилсин. Пахтачилик самарадорлигини тубдан ошириш, пахта-беда алмашлаб экишни сўзсиз жорий этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини сақлаш ва қайта ишлаш базасини жадал ривожлантириш таъминлансин. Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари, якка тартибдаги боғдорчилик ва полизчилик ривожлантирилсин. Беш йиллик охиригача ҳар йили пландан ташқари 130—150 минг тонна пахта етиштиришга ҳаракат қилинсин. Донли экинлар, картошка ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги кескин оширилсин. Партия, совет ва хўжалик органларининг куч-ғайратлари республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришга қаратилсин.

Пленум Марказий Комитет Бюросининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг, республика Министрлар Советининг, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг, партия, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг социал соҳани ривожлантириш муаммоларига диққат-эътиборини кучайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрилсин. Уй-жой программасини муваффақиятли ҳал қилиш учун қурилиш комплексининг ишлаб чиқариш потенциали тўла-тўкис ҳаракатга келтирилсин. Уй-жой қурилишида хўжалик усули, кооператив ва якка тартибда иморат қуриш усули кенг ривожлантирилсин ва жорий этилсин. Шу асосда ҳар йили уй-жой қурилиши планларини 15 процент ва ундан ҳам кўпроқ ошириб бажаришга эришилсин. Мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар, маданий-маиший объектлар тармоғининг жадал ривожлантирилиши таъминлансин. Даволаш муассасаларини талабга жавоб берадиган биноларга кўчириш, уларни зарур медицина техникаси ва асбоб-ускунаси билан жиҳозлаш соҳасида республикадаги мавжуд имкониятлардан мумкин қадар фойдаланиш масаласи шу йил охиригача кўриб чиқилсин. Врачларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати қатъиян яхшиланиши таъминлансин. Комплекс программага мувофиқ, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва пулли хизматларни илдам ривожлантиришга ҳаракат қилинсин. Кооперативлар тузиш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун ҳамма жойда шароит яратилсин. Савдо, транспорт корхоналарининг иши тубдан яхшилансин.

Табиатни муҳофаза қилиш, экология вазиятини соғломлаштириш, ноёб табиат комплексларини сақлаб қолиш ишининг аҳволи қайта кўриб чиқилсин ва бу соҳадаги иш кучайтирилсин.

### III.

Пленум Марказий Комитет Бюроси идеология ишига партиявий раҳбарликда туб бурилишга эришгани йўқ, деб ҳисоблайди. Шу масъулиятли соҳада жанговарлик, изчиллик, вазминлик билан ёндашиш, ғоявий-тарбиявий тадбирларнинг қайта қуриш энг муҳим муаммолари билан монандлиги етишмаяпти. Идеология кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишда катта нуқсонларга йўл қўйилди. Оммавий-сиёсий иш, лекция пропагандаси ҳамон эскирган шакллар асири бўлиб турибди, сиёсий ва иқтисодий таълимнинг самарадорлиги паст. Интернационал тарбияда аниқ система йўқ, натижалар танқидий баҳоланмайди, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга муносиб эътибор берилмаяпти. Ислом динининг, бошқа динларнинг таъсирига, диний-патриархал урф-одатларга қарши курашда ўткирлик етишмаяпти. Оммавий ахборот воситалари демократиялаш ва янгиланиш жараёнларини чуқур ёритмаяптилар, ижодий ташкилотлар, маданият муассасалари ҳамон қайта қуришдан четда қолмоқдалар. Олий ва ўрта мактаб ислоҳоти қониқарсиз амалга оширилмоқда.

Жиноятчилик, қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, меҳнатсиз даромадларга қарши кураш зарур қатъият билан олиб борилмаяпти, ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш юзасидан иш қониқарсиз ташкил этилган. Гражданларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, прокурор назорати суст амалга оширилмоқда.

Пленум Марказий Комитет Бюросига жамиятни демократиялаш жараёнини ва туб иқтисодий ислоҳотни идеологик жиҳатдан таъминлашни қатъий яхшилашни топширади. Идеология соҳасининг асосий участкалари синалган кадрлар билан мустаҳкамлансин. Сиёсий, тарбиявий ишнинг ҳаёт билан мустаҳкамроқ боғланишига эришилсин, бу иш ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткашга юксак ғоявий эътиқодни, маънавий-ахлоқий фазилатларни, актив ҳаётий позицияни, амалга оширилаётган ўзгартишларда зўр ғайрат билан иштирок этиш муддаосини сингдиришга бўйсундирилсин, омманинг социалистик демократия маданиятини эгаллаб олишига ёрдам берилсин.

Узоқ муддатга мўлжалланган интернационал тарбия программаси ишлаб чиқилсин, меҳнаткашларнинг, айниқса, ёшларнинг ватанпарварлик, маънавий, эстетик тарбияси масалалари билан, ёшларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш билан янада изчилроқ шуғулланилсин. Ўтмиш сарқитлари, диний бидъатлар, маънавиятсизлик, социал қарамлик билан кураш яна ҳам ўткирроқ ва ҳужумкорроқ бўлсин.

Оммавий ахборот воситаларига раҳбарлик даражаси оширилсин, мазкур воситалар демократиялаш ва иқтисодий ислоҳотнинг долзарб масалаларини теранроқ ёритишларига, қайта қуришдаги илғор тажрибани кенгроқ тарғиб этишларига, ошкораликни қарор топтиришларига, воқеликни объектив акс эттиришларига, камчиликларни дадиллик билан очиб ташлашларига эришилсин.

Ижодий союзлар ва маданият муассасалари, олий ва ўрта махсус таълим ишини қайта қуриш, умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ этиш юзасидан тадбирлар изчиллик билан амалга оширилсин. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида ижодкор зиёлилар билан ишлаш кенгашини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини принципиал, партия ишига садоқатли кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан иш давом эттирилсин, улар жамиятга қарши ҳатти-ҳаракатлар билан муросасиз кураш олиб боришларига, шахсий ибратлари билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида интизомни, уюшқоқликни ва тартибни мустаҳкамлаш юзасидан партия ишлаб чиққан йўлни амалга ошириш учун юксак бурч, масъулият туйғусини намоён этишларига эришилсин.

### IV.

Пленум Марказий Комитет Бюроси, Секретариати ўз диққат-эътиборини партиявий иш услуб ва методларини такомиллаштиришнинг асосий масалаларига қаратишга, қайта қуришга раҳбарликнинг сиёсий методлари томон туб бурилиш қилишга муваффақ бўлмади, деб таъкидлайди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилашда, амалий резервни шакллантиришда, кадрлар масаласида нуқсонларни истисно этадиган ишончли механизмни яратишда зарур қатъият кўрсатилмаяпти. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қайта қуриш омилларини пухта эгаллаб олишларига Бюро ҳали эришгани йўқ. Илғор тажрибани умумлаштириб, партия иши практикасига жорий этишга зарур даражада аҳамият берилаётгани йўқ. КПСС Марказий Комитетининг Тошкент область партия ташкилоти тўғрисидаги қарорида партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишида таъкидлаб ўтилган нуқсонлар секинлик билан бартараф этилмоқда.

Ўтказилаётган мажлислар ва кенгашлар, қабул қилинаётган ва сўраб олинаётган ҳужжатлар сонининг талаб этилаётганидек камайиши, Марказий Комитет аппаратининг жойлардаги жонли ташкилотчилик ишига томон кескин бурилиши содир бўлмади. Илгари бўлганидек ҳозир ҳам ижрони назорат этишда расмиятчилик ҳолларига, меҳнаткашларнинг хат ва аризаларини кўриб чиқишга юзаки муносабатда бўлиш фактларига йўл қўйилмоқда.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси зиммасига қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар кўришни, республика партия ташкилоти барча бўғинларининг куч-ғайратларини халқ хўжалигига ва кишилар тарбиясига раҳбарликнинг сиёсий методларини тезроқ эгаллаб олишга сарфлашни юклайди.

Кадрлар ишини янада такомиллаштириш юзасидан конкрет тадбирлар кўрилсин, мазкур иш мунтазам, илмий асосда олиб борилсин, бу ишдаги пинҳонийлик ва расмиятчилик кўринишларига барҳам берилсин. 1990 йилгача кадрларнинг асосий ўзаги ва амалий резервини вужудга келтириш ниҳоясига етказилсин. Кадрлар корпуси янги кучлар, ёш ва истиқболли кадрлар билан ҳамиша тўлдириб борилсин, раҳбариятнинг изчиллигига қаттиқ риоя этилсин. Ишчи ва колхозчилар, партиясизлар, хотин-қизларни юқорироқ лавозимларга кўтариш практикаси кенгайтирилсин. Барча миллатларга мансуб кишиларнинг партия ва давлат органларидаги вакиллигига риоя қилинсин. Кадрларнинг мунтазам ўқиши ташкил этилсин. Кадрлар масаласида нуқсонларни мустасно этадиган ишончли механизм бунёд этилсин, шу мақсадларда кадрларни аттестациядан ўтказишдан, вақти-вақти билан уларнинг ҳисобот беришларидан ва улар билан суҳбатлашишдан самарали фойдаланилсин.

Кадрларнинг қайта қуришга муносабати, ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга улар қўшаётган реал ҳисса уларга баҳо беришдаги бош мезон, деб ҳисоблансин. Ҳар қандай лавозимда бўлишидан қатъи назар, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш йўли қатъият билан ўтказилсин. Ўз обрўсини тўкиб қўйган ва ишни барбод этган ходимларга нисбатан кўнгилчанлик ва принципсизлик фактларининг пайи қатъийлик билан қирқилсин.

Марказий Комитет Бюроси, Секретариати, бўлимлари область, шаҳар ва район партия комитетлари ишини қайта қуришга алоҳида эътибор берсинлар, эскича ёндашувларни бартараф этишда, услуб ва методларни қатъий янгилашда, ўз фаолиятини омма ўртасида олиб борилаётган амалий ишга кўчиришда ёрдам берсинлар. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги кўриги ҳамма ерда авж олдирилсин, ҳар бир бошланғич партия ташкилотида жўшқин иш услуби, сўз ва иш бирлиги, принципиаллик ва талабчанлик, амалий танқид ва ўз-ўзини танқид вазияти қарор топтирилсин. Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишига мунтазам ёндашув таъминлансин.

Марказий Комитет Секретариати, бўлимлари сайлаб қўйиладиган органларнинг қайта қуришга раҳбарлиги юзасидан ҳисобот бериб ўтказилган пленумлар ва йиғилишларнинг натижаларини бир ой ичида умумлаштириб, ана шу пленумлар ва йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чоғида айтилган таклифлар ҳамда танқидий мулоҳазаларни амалга ошириш учун конкрет чора-тадбирлар кўрсинлар. Сайлаб қўйиладиган органларнинг ҳисоботлари якунларига кўра, энг кўп турғунлик аниқланган, иши қониқарсиз, деб топилган партия ташкилотлари алоҳида назорат остига олинсин ва уларга амалий ёрдам берилсин.

Қайта қуришни жадаллаштиришда Марказий Комитет аппаратининг потенциалидан самарали фойдаланилсин, ходимлар билимдонлик, ташаббускорлик, ишга новаторларча ёндашув руҳида тарбиялансин. Партия ташкилотларида бевосита иш олиб бориш, жойларда амалий ёрдам кўрсатиш, партия йўлини рўёбга чиқариш улар фаолиятидаги бош вазифа бўлиб қолишига эришилсин.

Пленум Марказий Комитет Бюроси ва Секретариатининг аналитик, контрол ишини кучайтириш, ҳар бир партия комитети, ҳар бир коммунист коллектив орган қабул қилган қарорни ўз муддатида ва тўла ҳажмда бажаришни ҳам фарз, ҳам қарз деб биладиган вазиятни вужудга келтириш зарур, деб ҳисоблайди.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми Марказий Комитет Бюроси қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичида етилган муаммоларни ҳеч кечиктирмай ҳал этиш, иқтисодий ва социал тараққиётнинг барча йўналишларида юксак кўрсаткичларга эришиш учун ишларни анча яхшилайди, деб ишонч билдиради. Сайлаб қўйиладиган органларнинг бўлиб ўтган ҳисоботлари КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришда, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини муносиб кутиб олишда республика партия ташкилоти фаолиятига янги омил бахш этади.

## Ягона сиёсий кун

**«Туб ўзгаришга эришайлик, иш унумини кескин оширайлик» (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми якунлари бўйича) — 12 февраль куни бўлиб ўтадиган ягона сиёсий куннинг мавзуи ана шундай.**

**Партия комитетларининг докладчиларига ўз сўзларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми материалларидан, область, шаҳар ва район партия комитетларининг қайта қуришга раҳбарлик борасидаги ҳисоботларидан, шаҳар, район, меҳнат коллективларининг иқтисодий ва социал ривожланиш бўйича 1987 йил планларининг бажарилиш якунлари тўғрисидаги, ўн иккинчи беш йиллик икки йили маълумотларидан, меҳнат коллективларида туб иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилишини акс эттирувчи конкрет фактлардан фойдаланишлари тавсия этилади.**

## Муносиб совға

Янги йил арафасида Чорсу массивида кўп қаватли уйлардан биттаси фойдаланишга топширилган эди. Куни-кеча бу ерда яна иккита блок фойдаланишга топширилди. Янги бинонинг биринчи қаватидан мебель магазини ўрин олганлиги истиқомат қилувчилар учун янада қулайлик туғдирмоқда. 48 та квартирадан иборат бўлган бу янги блокларни муддатидан илгари фойдаланишга топширишда «Главташкентстрой»нинг 12-трестига қарашли 49-қурилиш бошқармасининг В. Глухов бошчилик қилаётган бригада аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор.

